

---

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги арафасида Фурқат туманида "Ёшлар дафтари" ва "Меҳр дафтар"ига киритилган ёшларга меҳнат анжомлари ва мактаб формалари тарқатилди

Фурқат туманида аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга қаратилган ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ушбу эзгу ишлар давоми сифатида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида секторлар раҳбарлари, туман ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида "Ёшлар дафтари"га киритилган ўғил-қизларнинг 26 нафарига, қолаверса "Меҳр дафтар"ига киритилган 2 нафар ёшларимизнинг қизиқишларига қараб бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, касбга ўргатиш, бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида меҳнат қуроллари ва ўқув анжомлари тарқатилди.

Жумладан 13 та тикув машинаси, 3 та замонавий ноутбук, 5 та пайвандлаш аппарати, 3 та инкубатор, 1 та моторли арра, 1 мини трактор каби меҳнат қуроллари берилди.

Шунингдек, "Ёшлар дафтари" жамғармаси ва тумандаги саҳоватпеша ҳомийлар кўмагида жами 61 нафар (20 нафар 14 ёшгача, 41 нафар 14 ёшдан юқори) болаларни жумладан, вояга етмаган, чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган васийликка (ҳомийликка) олинган, кам таъминланган оила фарзандларига янги ўқув йили олдидан мактаб формалари тарқатилди.

Тадбир сўнгида ёшлар ва уларнинг ота-оналари ушбу берилган имконият ва кўмак учун юртбошимиз ва халқимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

2022-08-31 23:53:43